| № | | |
|---|---|---|
| 1 | **EMITENTNING NOMI / НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА / NAME OF THE ISSUER** | |
| | • To'liq nomi:<br>• Полное наименование:<br>• Full name: | • "O'zbekiston metallurgiya kombinati" aksiyadorlik jamiyati<br>• Акционерное общество "Узбекский металлургический комбинат"<br>• Joint-Stock Company "O'zbekiston metallurgiya kombinati" |
| | • Qisqartirilgan nomi:<br>• Сокращенное наименование:<br>• Abbreviation name: | • "O'zmetkombinat" AJ<br>• АО «Узметкомбинат»<br>• JSC "Uzmetkombinat" |
| | • Birja tikerining nomi:<br>• Наименование биржевого тикера:<br>• Stock ticker name: | • «UZMK» |
| 2 | **ALOQA MA'LUMOTLARI / КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ /CONTACT DETAILS** | |
| | • Joylashgan yeri:<br>• Местонахождение:<br>• Location: | • Toshkent viloyati, Bekobod shahri, Sirdaryo ko'chasi, 1<br>• Ташкентская область, город Бекабад, улица Сырдарья, дом №1<br>• Tashkent region, Bekabad city, Syrdarya street, 1 |
| | • Pochta manzili:<br>• Почтовый адрес:<br>• Mailing address: | • 110502, Toshkent viloyati, Bekobod shahri, Sirdaryo ko'chasi, 1-uy<br>• 110502, Ташкентская область, город Бекабад, улица Сырдарья, дом №1<br>• 110502, Tashkent region, Bekabad city, Syrdarya street, 1 |
| | • Elektron pochta manzili:<br>• Адрес электронной почты:<br>• E – mail address: | • info@uzbeksteel.uz |
| | • Rasmiy veb – sayt:<br>• Официальный веб – сайт:<br>• Official web site: | • www.uzbeksteel.uz |
| 3 | **MUHIM FAKT TO'G'RISIDA AXBOROT/ ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ / INFORMATION ABOUT MATERIAL EVENT** | |
| | • Muhim faktning raqami:<br>• Номер существенного факта:<br>• Number of the material event: | • 06 |
| | • Muhim faktning nomi:<br>• Наименование существенного факта:<br>• Name of the material event: | • Emitentning yuqori boshqaruv organi tomonidan qabul qilingan qarorlar<br>• Решения, принятые высшим органом управления эмитента<br>• Decisions made by the supreme management body of the issuer |
| | • Umumiy yig'ilish turi:<br>• Вид общего собрания:<br>• Type of the General meeting: | • Yillik<br>• Годовое<br>• Annual |
| | • Umumiy yig'ilish o'tkazilgan sanasi:<br>• Дата проведения общего собрания:<br>• Date of the General meeting: | • 29.06.2024 |
| | • Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:<br>• Дата составления протокола общего собрания:<br>• General meeting protocol date: | • 08.07.2024 |
| | • Umumiy yig'ilish o'tkazilgan joy:<br>• Место проведения общего собрания:<br>• Location of the General meeting: | • Toshkent viloyati, Bekobod shahri, Istiqbol ko'chasi, 1-uy, Metallurglar madaniyat saroyi<br>• Ташкентская область, город Бекабад, улица Истикбол, дом №1, Дворец культуры металлургов<br>• Tashkent region, Bekabad city, Istikbol street, building No. 1, Palace of Culture of Metallurgists |
| | • Umumiy yig'ilish kvorumi :<br>• Кворум общего собрания:<br>• Quorum of the General meeting: | • 92,47% |

| № | **Ovoz berishga qo'yilgan masalalar/ Вопросы, поставленные на голосование / Questions posed to the vote** | **ovoz berish yakunlari / итоги голосования / voting results** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | yoqlash / за / for | | qarshi / против / against | | betaraflar / воздержались / abstentions | |
| | | **%** | **soni / количество / quantity** | **%** | **soni / количество / quantity** | **%** | **soni / количество / quantity** |
| 1 | Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш. | 92,45 | 559 891 458 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 2 | “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш:<br>- бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;<br>- 2023 йил якунлари бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари бажарилиши тўғрисида Ижроия органининг ҳисоботини тинглаш;<br>- 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. | 92,45 | 559 858 058 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 3 | “Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш. | 92,45 | 559 868 618 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 4 | “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ҳамда дивидендлар тўлаш масаласини кўриб чиқиш. | 92,44 | 559 798 394 | 0,013 | 80 784 | 0,018 | 107 316 |
| 5 | “Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан маъқулланган йирик битим шартларига ўзгартириш киритиш. | 0,03 | 155 410 | 92,44 | 559 831 084 | 0 | 0 |
| 6 | “Ўзметкомбинат” АЖ жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимларни белгилаш. | 92,44 | 559 792 058 | 0 | 0 | 0,029 | 173 316 |
| 7 | “Ўзметкомбинат” АЖ аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш. | 92,45 | 559 868 618 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 8 | Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбари билан тузилган шартнома муддатини узайтириш. | 92,45 | 559 868 618 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 9 | “Ўзметкомбинат” АЖнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш. | 92,45 | 559 868 618 | 0,018 | 107 316 | 0 | 0 |
| 10 | “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил 5 майда P0148-15-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш. | 92,45 | 559 843 274 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 11 | “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш. | 92,45 | 559 853 834 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 12 | “Ўзметкомбинат” АЖнинг Бошқарув аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш. | 92,43 | 559 777 274 | 0,011 | 66 000 | 0,018 | 107 316 |
| 13 | 2023 йил якунлари бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш. | 92,44 | 559 809 218 | 0,018 | 107 316 | 0 | 0 |
| 14 | Янгиланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига амал қилиш мажбуриятини қабул қилиш. | 92,44 | 559 809 218 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |
| 15 | “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. | 92,44 | 559 809 218 | 0 | 0 | 0,018 | 107 316 |

| | |
|---|---|
| **Umumiy yig'ilish tomonidan qabul qilingan qarorlarning to'liq bayoni / Полные формулировки решений, принятых общим собранием / Full version of decisions of the General meeting** | |
| 1 | 1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ ва саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:<br>– Сардор Ғуломжон ўғли Алиқулов – Корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – бошқарув органлари билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи;<br>– Баходир Бахром ўғли Нўмонжонов – Корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис;<br>– Дилором Ботировна Гулмуратова – Корпоратив муносабатлар бўйича 1-тоифали мутахассис. |
| 2 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органининг фаолияти 2023 йил якунлари бўйича “ўрта даражада” деб тан олинсин.<br>2. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи 2-иловага, молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича йиллик ҳисоботи 3-иловага ҳамда йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 3 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. |

| | |
|---|---|
| 4 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил молиявий-иқтисодий фаолияти натижалари бўйича “TTT – AUDIT” МЧЖ мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.<br>2. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича олинган 513 660 728 394,67 сўмлик соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:<br>- 2023 йил якуни бўйича захира фондини шакллантириш учун 25 683 036 419,73 сўм ёки соф фойданинг 5 фоизи йўналтирилсин;<br>- соф фойданинг қолган 94,42 фоизи, яъни 484 989 772 974, 94 сўм тақсимланмаган соф фойда сифатида қолдирилсин;<br>- миноритар акциядорларга тегишли имтиёзли акциялар учун дивиденд тўловларини амалга ошириш мақсадида 2 987 919 000 сўм ёки соф фойданинг 0,58 фоизи йўналтирилсин, бунда, бир дона имтиёзли акция бўйича дивиденд миқдори солиқларни инобатга олган ҳолда бир дона акция номинал қийматининг 6 фоизи миқдорида, яъни 300 сўм этиб белгилансин;<br>- дивидендларни тўлаш қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаган муддатда акциядорлар томонидан тақдим этилган банк реквизитлари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилсин. |
| 5 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинмади. |
| 6 | 1.“Ўзметкомбинат” АЖнинг жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимлар рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 7 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 8 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖ Ижроия органи раҳбари – Рашид Хусанович Пирматов билан тузилган шартноманинг муддати 2024 йил якунлари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар узайтирилсин. |
| 9 | 1. 2020 – 2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан давлат ташкилотларига топширилган активлар (7-илова) ҳисобига “Ўзметкомбинат” АЖ устав капитали миқдори Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли давлат улушини камайтириш йўли билан камайтириш маъқуллансин.<br>2. “Ўзметкомбинат” АЖнинг 3 785 717 290 000 сўмлик устав капитали миқдори умумий қиймати 59 754 115 000 сўм бўлган номинал қиймати 5000 сўмлик 11 950 823 дона оддий акцияларни олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтирилсин.<br>3. “Ўзметкомбинат” АЖнинг устав капитали миқдори номинал қиймати 5000 сўм бўлган 593 644 242 дона оддий ва 151 548 393 дона имтиёзли акциялардан иборат 3 725 963 175 000 сўм этиб белгилансин.<br>4. “Ўзметкомбинат” АЖ устав капиталидан камайтирилган давлат улуши миқдори ва 7-иловага мувофиқ топширилган активларнинг қиймати ўртасидаги 2 273,82 сўмлик фарқ кейинчалик устав капиталини оширилишида давлат активи сифатида ҳисобга олинсин. |
| 10 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг устав капитали миқдори камайтирилиши муносабати билан аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилсин ва ўзгартиришлар матни 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 11 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги устави 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 12 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖнинг ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом янги таҳрирда 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 13 | 1. “Investment Management Group” МЧЖ томонидан 2023 йил якунлари бўйича “Ўзметкомбинат” АЖда корпоратив бошқарув тизими 871 балл билан 73 фоиз - “юқори” деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. |
| 14 | 1. “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан янгиланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига амал қилиш мажбурияти қабул қилинсин ва ахборот шакли 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 15 | 1.“Ўзметкомбинат” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |

**Ustavga kiritilayotgan o'zgartirish va (yoki) qo'shimchalarning matni** / Текст вносимых изменений и (или) дополнений в устав** /**
**The text of the changes and (or) amendments to the carter****

28-bandi: Jamiyat ustav kapitalining miqdori 3 725 963 175 000 (uch trillion yetti yuz yigirma besh milliard to‘qqiz yuz oltmish uch million bir yuz yetmish besh ming) so‘mdan iborat bo‘lib, nominal qiymati 5 000 (besh ming) so‘m bo‘lgan 745 192 635 (yetti yuz qirq besh million bir yuz to‘qson ikki ming olti yuz o‘ttiz besh) dona egasi yozilgan aksiyalarga bo‘lingan.
29-bandi: Jamiyat tomonidan quyidagi turdagi aksiyalar joylashtirilgan:
- nominal qiymati 5 000 (besh ming) so‘m bo‘lgan 2 968 221 210 000 (ikki trillion to‘qqiz yuz oltmish sakkiz milliard ikki yuz yigirma bir million ikki yuz o‘n ming) so‘mlik 593 644 242 (besh yuz to‘qson uch million olti yuz qirq to‘rt ming ikki yuz qirq ikki) dona nomi yozilgan oddiy hujjatsiz aksiyalar;
- nominal qiymati 5 000 (besh ming) so‘m bo‘lgan 757 741 965 000 (yetti yuz ellik yetti milliard yetti yuz qirq bir million to‘qqiz yuz oltmish besh ming) so‘mlik 151 548 393 (bir yuz ellik bir million besh yuz qirq sakkiz ming uch yuz to‘qson uch) dona nomi yozilgan hujjatsiz imtiyozli aksiyalar.
92/1-bandi: Boshqaruv raisi va uning o‘rinbosarlari faoliyatining samaradorligi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan har yili tasdiqlanadigan eng muhim samaradorlik ko‘rsatkichlari (KPI) asosida baholanadi.
Bunda, Boshqaruv raisi va uning o‘rinbosarlari faoliyatining keyingi hisobot yili uchun eng muhim samaradorlik ko‘rsatkichlari (KPI) va ularga erishish bo’yicha yo’l xaritalari rahbar va o‘rinbosarlar uchun alohida choraklar kesimida ishlab chiqilib, Kuzatuv kengashi tomonidan ma’qullanganidan so‘ng, tasdiqlash uchun har yili 15-dekabrga qadar O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga kiritiladi.
Boshqaruv raisi va uning o‘rinbosarlarini rag‘batlantirish O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 13-martdagi PF-49-son Farmonida belgilangan tartibda ularning eng muhim samaradorlik ko‘rsatkichlari (KPI) natijalaridan kelib chiqib, jamiyatning ichki me’yoriy hujjatlarida va/yoki biznes-rejada belgilangan miqdorda amalga oshiriladi.

| | |
|---|---|
| **Ijroiya organi rahbarining F.I.Sh/<br>Ф.И.О. руководителя исполнительного органа/<br>Full name of the head of the executive agency:** | **R.X. Pirmatov** |
| **Bosh buxgalterning F.I.Sh/<br>Ф.И.О. главного бухгалтера/<br>Full name of the Chief accountant:** | **B.B. Eshanxujayev** |
| **Veb-saytda axborot joylashtirgan vakolatli shaxsning F.I.Sh./<br>Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте/Full name of the authorized person who posted the information on the website:** | **Sh.U. Abduraxmanova** |